



АДОЛАТ

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

2003 йил — Обод маҳалла йили

«БАРАКА ЙИЛИ БЎЛСИН!»

— дейди Қорақалпоғистон Республикаси Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Ўринбой Мадияров

— Қариндошининг оти ўзгунча, овулдошининг тойи ўзини» деган пурмаёно гап бор, — дея суҳбатни бошлади Ўринбой ака. — Одамлар шу тариқа ўз туққан-туғишларидан кўра, яқин кўни-кўшиларнинг, овулдошларининг манфаатларини юқори қўйишган, эъозлашган. Маҳалланинг ҳам-жихатлиги, кўркамлиги, умумшаъни учун ҳар бир фуқаро астойдил қайғурган. Ўз овули ҳудудида, айтилик тикланажак бирор иморат учун ҳам ҳар бири ўз улушини қўшини ҳам қарз, ҳам фарз билган. Мухтасар қилиб айтганда, ота-боболаримизнинг ана шундай ҳикматли фазилатлари бизнинг болалгимиздан оқ-шуримизга қаттиқ сингиб қолганки, ўша улугларимиз амал қилган фазилатлар, урф-одатлар, меҳр-оқибату, хайр-саховатлар бугун ҳам ҳаётимизда, турмушимизда изчил давом этиб келаётганлиги қалбимизни фахр-ғурурга тўлдириб юборади.

Қадимий қадриятларимиз қарор топиб, турмушимиз тобора чирой очиб бораётган бир паллада хурматли Президентимиз янги йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилди. Шунинг билан қайд этиб ўтмоқчиманки, муҳтарам Ўртбошимизнинг бу тақдирини қорақалпоқ халқи ўта кўтаринки руҳда қутиб олди. Негаки, азалдан эзгу ишлар ўчоғи бўлиб келган маҳалла, энди чинакам маънавий масканга айланишига шубҳа йўқ. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Обод маҳалла йили» деб эълон қилганимиз замирида фақат бизнинг халқимизга ҳоз ўзини ўзи бошқариш тизими, тинчлик ва барқарорлини таъминлашда беқийс аҳамиятга эга бўлган, фуқаролик жамиятининг асо-

тувлик, меҳр-муруват ришталари барқарорлашиб, муҳими ҳар бир юракда келажакда юртимиз обод ва кўркам, гуллаб-яшнаган эл бўлишига ишонч туйғуси барқ уриб турибди. Шунингдек, маҳаллаларимиздаги амалий ишларни янада жонлантириш, янада такомиллаштириш «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги Президентимизнинг Фармониغا асосан республика комиссияси тузилган бўлиб, айни кунда комиссия ўз ишини бошлаб юборди. Мазкур дастурда йил давомида қилинадиган ташкилий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, оммавий чора-тадбирлар тўлақонлигига ўз аксини толган бўлади.

Дастурни тайёрлаш ва уни амалга ошириш жараёни биз маҳалла оқсоқоллари, фуқаролар кенгаши раҳбарлари ҳамда ҳар бир маҳалла фаоли зиммасига янада юксак, алоҳида масъулият юклайди, албатта. Ана шу катта масъулиятни чуқур англаган ҳолда баҳаджihat меҳнат қилсак, янги маҳалла йилимиз мўлқул ризқ-рўз, барака йилга айланишига тўла ишонаман.

Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 314 та ўзини ўзи бошқариш маҳалла йиллари самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур маҳаллаларда 200 та таянч пунктлари ташкил этилган. Шундан 93 таси маҳаллалар идоралари ҳузуринда, маҳалла фаоллари билан бево-ситта ҳамкорликда ҳуқуқ-тартиботта оид ташкилий ишларни жонлантирмоқдалар. Ҳамжиҳатликда олиб борилаётган савобли ишлар ҳам албатта, ўз самарасини бераётди. Фуқаролар орасида ҳамжиҳатлик, то-

Мамлакатимиз автомобилсозлик саноати илдам суръатлар билан ривожланишида Самарқанддаги «СамКочавто» ўзбек-турк қўшма корхонасининг ҳам ўз ўрни, мавқеи бор. Бугун бу тейёрланаётган турли русумдаги илдам, замонавий автобуслар ва юк машиналари хорижа ҳам кўплаб экспорт қилинмоқда. Завод муҳандис-конструкторлари бу би-

«СамКочавто» автомобиллари



лан кифояланмай автомобилларни янада харидоригр қилиш йўлларини излашмоқда. СУРАТЛАРДА: 1. Янги ишлаб чиқарилган автомобиллар. 2. «СамКочавто» ўзбек-турк қўшма корхонаси йиғув цехи илгор чилангари Мухаммад Калибоев. ЗоҳирТўРАКУЛОВ олган суратлар.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

ТЕКШИРИШ УЧУН БИР ЙИЛ

Ироқда текшириш ишларини кўнгилдагидек бажариш учун бир йил керак бўлади. Бу ҳақда атом энергетикаси бўйича халқаро ташкилотининг вакили Марк Гвоздецкий маълум қилди. М. Гвоздецкийнинг фикрича, Ироқ катта ҳудуддан иборат мамлакат. Шу боис, инспекторларга кўплаб иншоотларни кўздан кечиришга тўғри келади. Шунингдек, бир жойга бир марта бориш ҳам аниқ натижа бермаслиги мумкин. Мазкур ташкилот раҳбари Ал-Барадейнинг билдиришича, гарчи яширин тарзда ядро қуроли учун зарур бўладиган материалларга эга бўлган тақдирда ҳам Бағдоднинг ўз кучи билан ядровий қурол ишлаб чиқаришига ҳали эрта.

ТАЛОФАТЛАР БОР

Исроил қўшинлари Женин шаҳрига бостириб кириб, навбатдаги олперацияни ўтказдилар. Фаластин ахборот агентлигининг маълум қилишича, исроилликлар бундан ташқари Фазо секторининг шимолида жойлашган Бейт-Хонун шаҳрида ҳам ҳарбий ҳаракатлар олиб борган. Юз берган тўқнашуларда «ХАМАС» ташкилоти жангарилари ҳам иштирок этган бўлиб, ҳар икки томондан ҳам талофатлар берилган.

ЦИСТЕРНА ПОРТЛАДИ

Ригадаги нефть сақланадиган ҳудудда нефть цистернаси портлаши оқибатида бир киши ҳалок бўлди ва икки киши жароҳат олди. Етти минг кубометр сийимдаги цистерна кўнуду қуни портлаган. Маълумотларга кўра, ўт ўчирувчилар оловнинг ёйилишини тўхтатишга муваффақ бўлган, жабранганлар касалхонага ётқизилган. Ҳалокат сабаблари текширилмоқда.

ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШ УЧУН

АҚШ Шимолий Корея билан музокаралар бошлашига тайёр ва инқирозли вазиятдан чиқишининг йўлларини муҳокама қилишига рози. Бу ҳақда Жанубий Кореяга ташриф буюрган АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Жеймс Келли маълум қилди. Унинг таъкидлашича, ядровий дастур масаласи ҳал этилиши билан АҚШ, хусусий инвесторлар ва бошқа мамлакатлар ёрдамида Шимолий Кореяга энергетика соҳасида кўмаклашиш имкони кўзилади. Келли баёнот беришдан аввал Шимолий Корея вакиллари билан норасмий мулоқотлар ўтказган собиқ АҚШ элчиси Билл Ричардсон мамлакат раҳбариятининг урушқок кайфиятига қарама-қарши Шимолий Корея музокараларга тайёрлигини айтган.

ИТАЛИЯДА СОХТА ДОЛЛАРЛАР

Италияда кейинги вақтларда энг йирик микдордаги сохта Америка долларлари кўлга олинди. Италия ички ишлар вазирлигининг хабарига кўра, 100 долларлик сохта банкнотлардан иборат ва жами микдори 100 миллион доллардан зиёд сохта пуллар Рим яқинида қарабинерлар томонидан тўтиб қўлинди. Сохта пуллар махфий жойда сақланган бўлиб, у ерда айрим Яқин Шарқ мамлакатларининг сохталаштирилган валюталари, порнографик фильмлар ёзилган юзлаб видеотасмалар, шунингдек XVIII аср италян расмолларининг тўртта асари ҳам топилган. Полициячиларнинг сўзига қараганда сохта доллар банкнотлари ниятда сифатли ишланган. Сохта валюталар туркумини Яқин Шарқдаги қайсибир мамлакатта ўтказиш мўлжалланган.

КЕМА ЧЎКИБ КЕТДИ

80 нафардан зиёд соғалилиқлар қочқоқлар тушган кема Яман қирғоқларида ёнгин натижасида чўкиб кетди. БМТ олий комиссарининг қочқоқлар иши бўйича маҳаллий вакили Жеймс Алемининг айтишича бу воқеа 4 январь кун содир бўлган. Мотор қирғиндан қутқариб қолинган қишлоқларнинг сўзларига кўра, кемада портлаш содир бўлиб, кейин ёнгин бошланган. Баҳимга тушган одамлар ёнаётган кемадан ўзларини сувга ташлашган. Кемадаги 120 нафарга яқин одамнинг кўпчилиги сувга гарқ бўлди.

ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА...

АҚШ ракеталарига қарши стратегик тизим учун 2035 йилга қадар 1,2 триллион доллар сарфлашни мўлжалламоқда. Қуролланиш назорат қилиш ва қуролланиш қисқартиришни кўлаб-қувватлаш бўйича иқтисодчилар уюشمаси маърузасида бу ҳақда айтилади. Таҳлилчиларнинг фикрича, ракеталарга қарши стратегик тизимни сохlab туриш учун Оқ уй ва Конгресс кутганидан кўпроқ маблағ лозим бўлади. Маълумотларга кўра, АҚШ мудоффа вазирлиги мазкур тизим учун 2003 йилда 8 миллиард доллар ажратилиши режалаштирляпти.

АФФОН АЁЛЛАРИГА АҚШНИНГ ЁРДАМИ

Қобулда ўтказилган анжуманда АҚШ давлат котибининг глобал масалалар бўйича ўринбосари Пола Добрянски аффон аёлларига 3,5 миллион АҚШ доллари микдорида ёрдам кўрсатилишини маълум қилди. АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасидан «Туркистон-пресс»га маълум қилишларича, П. Добрянски биринчи марта Афғонистонда ўтказилаётган Америка-Афғонистон хотин-қизлари кенгаши мажлисида иштирок этди. Мазкур кенгаш ўтган йили АҚШ президенти Ж. Буш ва Афғонистон президенти Х. Карзай ташаббуси билан тузилган эди. Янги ёрдам Афғонистоннинг 14 та вилояти аёллари учун ресурс маркази барпо этишга Халқаро ривожланиш агентлигининг 2,5 миллион долларлик бадалини ва таълим дастурларини кўлаб-қувватлашга яна бир миллион долларлик қўмагини ўз ичига олади.

Гарчи бугунги кунда асосий эътибор аёлларга қаратилаётган бўлса-да, «биз барча фуқароларнинг ҳуқуқи тўғрисида, кучли жамиятнинг муҳимлиги ҳусусида гапираялмиз», — деди П. Добрянски. АҚШ давлат котиби ўринбосарининг таъкидлашича, аффон аёлларига имкон берилса, малака ва маблағ берилса, улар мамлакат иқтисодиётини тиклашда муҳим роль ўйнашлари мумкин. Анжуманда иштирок этган Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги Абдулла Абдулла Америка — Афғонистон аёллар кенгашининг ташкил этилиши мамлакатда аёллар ролининг кучайишида, аёллар ҳуқуқларини таъминлаш йўлида АҚШ — Афғонистон аёллари алоқаларини барпо этишда, шунингдек аёлларнинг мамлакатдаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлишини қайд этди. АҚШ президенти Ж. Бушнинг маслаҳатчиси Карен Хьюз журналистлар олдида сўзга чикиб, шахсан президентнинг ўзи Афғонистонни тиклаш учун кўмаклашишига содиқликни намойиш этиб, уни Афғонистонда боришга даябат этганини маълум қилди.

ФОЖЕАНИ КУТМАСЛИК ЛОЗИМ

ёҳуд Риштон тумани заминида келтириляётган ер ости балоси ҳақида

Буюк аллома Бурхониддин ал-Маргинонийнинг қиңдик қони тўкилган мўтабар Риштон...
Боғи эрамлари, айниқса қандак ўриқлари билан дунёга машҳур Риштон...
Миллий хўнармандчилиги, хусусан беназир кулоллик санъати билан жаҳонни дол қолдирган Риштон...
Бугина эмас, риштонликларга хос маданиятлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, заҳматқашлик ва омилкорлик, санъатсеварлик ва кўнвоқ табиатлик, меҳмондўстлик ва меҳру оқибатлик каби фазилатларга унча-мунча жойда тароф топмайсиз...
Фаргона вилоятининг ана шу эларо машҳур гўшасида бугун кўпчиликнинг юрагини эзиб турган бир муаммо қиңиб турибдики, бу кўҳна Риштон замини остида шиддат билан ёйилиб келяётган экинзорлар ва боғ-роғлар пойини эвсиз қирқаятган, қатор-қатор қишлоқларнинг хувиллаб, мунгайиб қолишига сабаб бўлиши қутилаётган ер ости балосидир. Сўз ана шу ҳақда.

Риштон тумани қатарисига етти йилдирки, давлатга пахта сотиш режасини бажаролмай келяётди. Нафақат пахтачилик, барча турдаги деҳқончилик экинлари ҳосилдорлиги йил сайин пасайиб бормоқда. Экинзорлар, боғзорлар майдони қисқармоқда. Қандадан-қанча баркамол мева (энг ачинарлиси, машҳур қандақ ўрик) дарахтлар, раста-раста тутзорлар таг-томири билан қуриб, қесиб ташланаяпти. Бутун-бутун маҳаллалар имкон қадар тепалик майдонларга қўчиб чиқиб, боғроғ ва деҳқончилик қилиш пайига тушиб қолганлар. Ҳўш, юқориде тилга олинган ер ости балоси нима?

Риштон туманининг жанубий қисми қўшни Қирғизистоннинг илгари ўзлаштирилмай келган тошлоқ тоғлиқ зонаси — Бурганди даҳаси билан туташган. У ёқ томон баландлик, Риштон томон эса пастроқда. Эндиликда ана шу воҳа ўзлаштирилиб, унинг екинчилиги учун кўп микдорда Сўх сойидан сув олиб ишлашадиган бўлиб қолди. Натижада тупроқ таркиби сувни ўта даражада пастга ўтказиб юборувчи сариқ шағалликдан иборат бўлган Бургандида ер ости суви тўппа-тўғри Риштон томон кенг қўламда сиза бошлади. Заҳлик, ботқоқлик балоси, шундай қилиб, асра-асрдан буён мўъжиза неъматлар яратиб келган минг-минглаб гектар унумдор ерлар ҳаётга зомин бўлмоқда.

Умумий майдони 17-18 минг гектарни ташкил этувчи Бурганди даҳаси ҳали тўла ўзлаштирилгани йўқ. Риштоннинг эса «нафас олиши» тобора қийинлашиб, сизиб келаядиган ер ости сувлари ҳали олдида яна қанча мусибатлар ёғдириши эҳтимолдан узоқ эмас. Биз бу ўринда қўшниларимизга бирон-бир эътироз билдириш ниятидан йироқмиз. Улар янги ерларни қанчалик кўпроқ ўзлаштирадилар, қанчалар яхшироқ яшасалар, биз бундан ҳамиша мамнунмиз. Бироқ гап ҳозир юқориде тилга олинган офат йўлига мустаҳкам гов қўйиш ва ўз она еримизни, сўлим Риштонимизни аянчли жароҳатдан асраб қолиш лозимлиги устида бораётди.

Риштон туманининг жанубий қисми қўшни Қирғизистоннинг илгари ўзлаштирилмай келган тошлоқ тоғлиқ зонаси — Бурганди даҳаси билан туташган. У ёқ томон баландлик, Риштон томон эса пастроқда. Эндиликда ана шу воҳа ўзлаштирилиб, унинг екинчилиги учун кўп микдорда Сўх сойидан сув олиб ишлашадиган бўлиб қолди. Натижада тупроқ таркиби сувни ўта даражада пастга ўтказиб юборувчи сариқ шағалликдан иборат бўлган Бургандида ер ости суви тўппа-тўғри Риштон томон кенг қўламда сиза бошлади. Заҳлик, ботқоқлик балоси, шундай қилиб, асра-асрдан буён мўъжиза неъматлар яратиб келган минг-минглаб гектар унумдор ерлар ҳаётга зомин бўлмоқда.

Умумий майдони 17-18 минг гектарни ташкил этувчи Бурганди даҳаси ҳали тўла ўзлаштирилгани йўқ. Риштоннинг эса «нафас олиши» тобора қийинлашиб, сизиб келаядиган ер ости сувлари ҳали олдида яна қанча мусибатлар ёғдириши эҳтимолдан узоқ эмас. Биз бу ўринда қўшниларимизга бирон-бир эътироз билдириш ниятидан йироқмиз. Улар янги ерларни қанчалик кўпроқ ўзлаштирадилар, қанчалар яхшироқ яшасалар, биз бундан ҳамиша мамнунмиз. Бироқ гап ҳозир юқориде тилга олинган офат йўлига мустаҳкам гов қўйиш ва ўз она еримизни, сўлим Риштонимизни аянчли жароҳатдан асраб қолиш лозимлиги устида бораётди.

Фаргона вилоят ҳокимлиги, ўз ўрнида ана шу қарорнинг изчиллик билан амалга оширили боришини таъминлашда ҳар томонлама кўмақ кўрсатиб келяётди. Мазкур туманга, айниқса етарли даражада техника воситалари жалб қилинишига эътибор ажратмоқда. Бироқ мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш, вақтни қўлдан бой бермаслик, ҳуқумат қарори тўла-тўғри бажарилишини таъминлашда сустқашлик ҳоллари жой олиб келмоқда. Ўтган икки йил ичида атиги 545 гектар экин майдонининг мелiorатив ҳолати яхшиланди. 36 та зах қочирувчи қудуқ таъмирлини, қайта ишга туширилди. 12 та янги қудуқ қавланди, бир қатор коллекторлар таъмирланиб, янгилари ҳам қазилди. Қарор бўйича қилинган ишлар асосан шулардан иборат. Лекин Риштон тумани томон тўхтовсиз сизиб келяётган ва аллақачон қўшни Олтиариқ ҳамда Бағдод туманлари ҳудудларига ҳам таҳдид сола бошлаган ер ости сувларининг хавфи олдида, амалга ошириляётган ишлар кўлами ва суръати қоникарли эмас. Айни пайтда Бургандида Сўх сойидан 15 кубометр-секунд сув сийимига эга бўлган бетон канал қурилган. Эндиликда

эса ана шу канал 30 кубометр-секунд ҳажмида сув олишга реконструкция қилинмоқда. Бу демакки, хавф яқин орада икки бараварга ошади. Унда, тумандаги ер ости сувларини чиқариб юбориш бўйича қилинаётган ҳозирги ишлар самараси мўайян хавф олдида қанчалар ночор аҳволга тушиб қолишини тасаввур қилиш қийин эмас. Туман ҳокими Аҳмад Мирзахмедов билан суҳбатимиз чоғида, мен ундан «Ер ости балоси тез орада бартараф этилишига ишончингиз қомилми?» деб сўрдим. Ҳоким бир дам мушоҳада юритиб, кейин жавоб қилди: — Асосий мақсад шунга қаратилган, албатта. Лекин менимча Бурганди хавфини батамом бартараф этмоқ учун янаям йирикроқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш зарур. Ҳоким бу ўринда ҳақ. Бироқ энг аввало, ҳуқуматимиз белгилаб берган чора-тадбирлар тезкорлик ва изчиллик билан амалга оширилиши, юқоридан кўрсатилган амалий ёрдамларда самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, ҳоким назарда тутаятган «йирикроқ чора-тадбирлар комплекси» ишга тушунга қадар айни муддао бўлурмиди, деган фикрдамиз.

«Адолат»га жавоб берадилар

«БАЙРАМДАГИ НАЙРАНГЛАР»

(«Адолат» газетаси, 2002 йил 13 декабрь, №51)

«Адолат» газетаси ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда кўпроқ ёш авлод тарбиясидаги муаммоларга эътибор бериб келмоқда ҳамда бир неча танқидий мақолалар орқали ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирмоқда. Жумладан, «Байрамдаги найранглар» номли мақола ҳам кенг газетхонлар ҳукмига мулоҳаза-баҳс сифатида ёритилган эди. Куйида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тахририятимизга келган жавоб хатини маълум қиламиз: — «Адолат» газетасида эълон қилинган «Байрамдаги найранглар» сарлавҳали танқидий мақолани ўрга-

чиларни бартараф этиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошқиларига вазифалар юклатилди. Ушбу масала вазирликнинг диққат эътиборида бўлиб, 2002 йил 28 июнь кун махсус буйруқ қабул қилинган. Унда муассасаларда тадбирларнинг қамчиқим ва тартибли ўтказиш, хомий-

лардан тушадиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш борасида қатъий чора-тадбирлар белгиланган. Сизга таълим соҳасидаги муаммоларни бартараф этишдаги хайрихолигиниз учун миннатдорчилик билдирамиз. А.ЗОКИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи.



— Биз катта бўлсак, машҳур спортчи бўламиз. Ўзбекистоннинг доғруғини кўкка таратамиз... Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа.

Миллий истиқлол мафжураси

ҒОЯГА ҚАРШИ ФАҚАТ ҒОЯ, ФИКРГА ҚАРШИ ФАҚАТ ФИКР, ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ ФАҚАТ МАЪРИФАТ БИЛАН БАҲСГА КИРИШИШ, ОЛИШШ МҲМКИН



Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, аъна ва урф-одатлари таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган иштилош ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар.

Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, унинг-ўзини келаятган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб ғояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолининг ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ислом КАРИМОВ.

МИЛЛИЙ ҒОЯ – БИЗНИНГ ҒОЯ

Юртобимиз кўп марта таъкидлаганларидек, XXI асрда биз ядро полигонларидан эмас, балки мафжурвий полигонлардан эҳтиёт бўлишимиз керак, мавжуд хавфнинг олдини олиш учун кишиларимизда, жамиятда тегишли ҳимоя қобилиги, яъни, мафжурвий иммунитетни шакллантиришимиз лозим.

Миллий истиқлол ғояси дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб бораётган мамлакатимизнинг истиқлол йилларида орттирган тажрибалари, босиб ўтган мураккаб ва шонли йўли, миллий тафаккури ва маънавиятидаги юксалишларнинг мантикий натижаси, халқ иродасининг муқаддас ифодаси сифатида шаклланди. У Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат, дин вакиллари хос умумий мақсад, муштарак манфаатлар ва эзгу ғоя – овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилошларини ўзида акс эттиради.

Бу ғоя халқни халқ, миллатни миллат сифатида юксалтирадиган, унинг ор-номуси, ишонч-этиқодини ифодалайдиган ғоялар тизимидан иборат бўлиб, жамиятнинг ўзига хос таракқийт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларини амалга оширишга хизмат қилади.

Бу масалалар мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва таракқийт йўли», «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» каби асарларида ҳамда кўплаб маъруза ва нутқларида ўз аксини толган. Уларда Ўзбекистон халқи қандай мақсад сари интилоқтани, қандай жамият барпо этаётгани ва республикамизнинг ўзига хос ва ўзига хос таракқийт йўли илмий асосда кенг ва атрафлиқа ёритиб берилган.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи сўзбошида Президентимиз Ислом Каримов: «Истиқлол мафжураси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя – овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилошлари, ҳаётини идеалларини ўзида акс эттиради», – деган дастурий фикрни баён қилдилар. Миллий истиқлол мафжурасининг бош мақсади ҳам халқимиз зийнатига айнан мос эканлигини алоҳида қайд қилмоқ жоиз. Яъни «Халқни буюк келажак ва улғувор мақсадлар сари бираштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий-назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва аъналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафжурасининг бош мақсади».

Демак миллий истиқлол мафжурасининг бираштирувчи, масъулият сезиб яшашга чорловчи, тарбияловчи, яратувчанлик ишларига даъват қилувчи ва фидойиликни ҳаёт мезонига айлантирувчи амалий жиҳатларининг самарасидан ҳар бир ўзбекистонлик бирдай манфаатдор. Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, мафжур бўлмас инсон, жамият, мамлакат ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар. Мафжур фақат бугунги кундагина эмас, балки барча замонларда ҳам энг аҳамиятли ижтимоий-сиёсий масала бўлиб келган. Шу нуқтаи-назардан қараганда, миллий истиқлол ғояси давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш қуришга хизмат қилади.

Миллий истиқлол ғоясини халқимизнинг онгига сингдириш ўз навбатида сиёсий турмушнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, ёшларимизнинг қалбига гуманизм ғояларини сингдириш ҳамда маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифаларини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг маълум қисmini босқичма-босқич ўтказиб бериш, нодавлат ва ижтимоий ташкилотларнинг ҳуқуқи ва статусини кўтаришни назарда тутадиган «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» тамойилини амалга оширишни талаб этади.

Миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқарога етказиш бугунги кунимизнинг долзарб вазифасидир.



Ватан Она каби азиз, Она каби муқаддас. Унинг ҳар бир қарч ерини азиз билган, тупроғини кўзларига тўтиб айлаган киши икки дунё саодатини тоқусидир. Зеро Муҳаммад пайғамбаримиз (САВ) ҳам «Ватанин семмоқ иймодандир» дея бежиз айтмаганлар. Дарҳақиқат, дилида юртига, киндик қони тўкилган ерига иймони, эътиқоди кучли бўлган инсонлардан ҳақиқий ватанпарварлар чиқади. Бундайларни турмушимизга ёт ғоялар билан алдаб бўлмайди, танлаган йўлидан тойдириш қийин. Чунки улар Ватаниннинг мард ўғлонларидир. Мард ўғлонлар эса яхши оилаларда, обод, ҳамжihat маҳалларда камол топади.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Зарқайнар» маҳалласида ўсиб, воёга етган Умиджон Ҳамидов яқинда Ватан олдидаги йигитлик бурчинини ўтаб хонадонига қайтди.

СУРАТДА: маҳалла фаоллари аскар йигитни кутиб олишмоқда. Энди у ўз маҳалласини обод қиладиган бўлишига бир таянчга айланиши шубҳасиз. Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

БҮЮК КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Урганч шаҳридаги мусиқа коллежидида ўтказилган анжуман «Миллий ғоя – бизнинг ғоя» деб номланди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика байналмилал маданият маркази ходимлари томонидан ташкил этилган ушбу илмий-амалий семинарда миллий ғоямизнинг моҳияти, миллатлараро тотувлик масаласининг ҳуқуқий кафолатлари, миллий маданий марказлар фаолияти ҳақида сўз борди. Анжуманда Хоразм вилоятида фаолият юритаётган турли миллий маданий марказлар, ижтимоий ва маориф соҳаси ходимлари иштирок этдилар. Анжуманда миллий ғоя ва миллий истиқлол мафжураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишонч эканлиги алоҳида таъкидланди.

АЗИЗ ВА МЎҒТАБАР ТУЙҒУ

Туйғулар ичиди ватанпарварлик алоҳида ажралиб туради. Ажралиб туришининг сабаби нимада? Бу туйғу инсондан керак бўлганда жасоратни талаб этади. Жасоратни, Ватан равнақи, дахлсизлиги, тинчлиги учун жасорат кўрсатишидир. Жасорат тушунчаси ватанпарварлик туйғусининг ўзига хос меваси, ҳосиласидир. Қачонки инсонда Ватанга муҳаббат ҳақиқатан ҳам қарор топан бўлса, чуқур жой олган бўлса уша инсоннинг жасорати ҳам шунга монанд бўлади.

Ватан йўлида жасорат кўрсатиш ёш танламайди, жинс танламайди. Унинг мазмун-моҳияти Ватан учунлигида. Унинг шакли, қўлами турлича бўлиши мумкин. Ҳолатга, вазиятга, имкониятга қараб. Асосий нарса ана шундай юксак туйғунинг инсон қалбидида мавжудлигида. Бу туйғу қанчалик ривожланса, мустаҳкамланса инсоннинг Ватанига, эл-юртига келтирадиган фойдаси ҳам шунчалик ортиб бораверади. Бундай инсонлар Ватаниннинг таянчи, фахр-иштирокига айланадилар. Бундай юксакликка кўтарилган инсонлар бизнинг орамизда, Ватанимизда ҳам кўп. Бундайлар сафи қанчалик кўпайса, мустаҳкамланса яна ҳам яхши. Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кучи – Куролли Кучларнинг 11 йиллигига бағишланиб, 15 декабрдан 14 январгача ўтказилган «Оммавий ватанпарварлик ойлари» эса қалбларда ватанпарварлик туйғусининг янада мустаҳкамланишига, ривожланишига хизмат қилди, деб ўйлаймиз.

Ватаннинг ҳар қарч ери азиз ва мўғтабар. Бу ҳақда кўп айтилган, ёзилган. Шундай бўлса-да, Ватаниннинг азизлигини ҳамиша ёдда тутиш зарар қилмайди. Ватаниннинг бир сиқим тупроғининг азизлиги шу Ватаннинг азизлиги билан теппа-тенг. Ватаниннинг бир сиқим тупроғининг ёки бир қарч ерининг қадрига етган, қадрини билганлар Ватан нималигини ҳам яхши биладилар. Шунинг учун унинг бир сиқим тупроғи ҳам, ўзи ҳам бирдай азиз, бирдай муқаддас. Ватан азиз бўлса, унинг ҳатто бир дон тоши ҳам азиз ва мўғтабардир. Дилида ватанпарварлик туйғуси бор инсонларда Ватанга муҳаббат, садоқат чуқур ва мустаҳкам илдиш отади. Шунинг учун бу туйғунинг ривожлантириш, мустаҳкамлаш, йўлидаги ҳар бир уриниш, ҳаракат кутлуг ва мўғтабардир. Ватанга муҳаббатимиз боқий, ватанпарварлик туйғумиз ҳамиша юксак бўлсин.

В. РАҲИМОВ.



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Андижон вилояти Кенгаши аъзоси Котин Қошиқжон Аҳмаджонов миллий истиқлол мафжурасининг жонқур тарбиячиси айланган. У жойларда бўлиб, партия Дастурини тарғиб қилиш билан бирга миллий ғоя, миллий мафжурасини хусусида ҳам тез-тез маъруза қилиб туради. СУРАТДА: К. Аҳмаджонов (чапдан биринчи) партия «Ёшлар қаноти» кенгаши вакиллари даврасида. Жаҳонгир ТОШЕВ олган сурат.

МУҚАДДАС БҮРЧИМИЗ

Жамиятимизнинг маънавий-мафжурвий ҳаёт соҳасидаги туб ўзгаришлар биз педагоглар зиммасига юксак ва масъулиятли вазифалар юклайди. Ёшларни билимли, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш билан уларнинг қалби ва онгига жамиятимиз таракқийтнинг мезони бўлган миллий истиқлол мафжурасини сингдира олишимиз зарур.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги гапларини ёдга оламиз: «Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмидида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юртида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафжурвий иммунитетини кучайтиришимиз зарур».

Мафжурвий иммунитетни шакллантирувчи омиллар – миллий тарбия, оғоҳлик, жаҳолатга қарши курашиш. Бу борада бизнинг 26-умумий ўрта таълим мактабимизда анча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий ишловчиларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридида кўйилган талабларга асосан мактабда маънавият ва маърифат хонаси фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ўқувчилар ва ўқитувчилар ўзларига керакли маънавий-маърифий адабиётлар билан таълим, миллий истиқлол мафжураси бўйича керакли билимларни оладилар. Мактабимизда ҳар ҳафтанинг жума кунини «Маънавият ва маърифат кунини» деб эълон қилинган бўлиб, бу кунини мактабда турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб борилади. Яқинда «Сиз доим ардоқдасиз, азиз кексалар!» мавзусида ўтказилган кенча йиллашларда қатта таассурот қолдириди. 9-синф ўқувчилари ўртасида ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари ўтказиладиган «Заковат», «Имкон» интеллектуал ўйинлари ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлашга ўргатибгина қолмай, уларнинг «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фақи бўйича олаётган билимларини янада чуқурлаштиришда қатта аҳамият касб этмоқда.

Халқимизнинг асосий мақсад-муқаддасларини ифода қиладиган, унинг ўтиши ва келажакни бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган Миллий истиқлол мафжурасини ўсиб келаятган ёш авлод қалби ва онгига жо қилиш ҳар биримиз учун муқаддас бурчдир. Бу бурчини ҳар бир педагог дилдан хис этган ҳолда фаолият олиб боришлари лозимлигини унутмасликларини истардим.

О. ПОЛВОНОВА, Хоразм вилояти Шовот туманидаги 26-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.

Кримдан хат

Содиқ Исмоилов айна дамлрда Кримда яшайди. 86 ёшда, 2 ўғил-қизининг отаси. У Кримга кўчиб кетгунига қадар Каттақўрғон тумани маркази – Пайшанба шаҳарчасида яшади. Ёшларга рус тили ва адабиётини сабоқ берди. 3, 4, 17-мактабларда раҳбар, халқ таълими бўлиминда услубчи бўлиб ишлаган.

Халқ таълими жонқурларидан бири бўлган бу инсон узоқда яшаса-да қадрдон дўстлари, бирга ишлаган ҳамкасблари-ю, шоғирдлари ва бутун пайшанбаликлар билан хат ёзишиб туради. Яқинда у Каттақўрғонлик ҳамкасбларига қуйидаги кутлов мактубини йўллабди:

ЎЗБЕКИСТОН – ИККИНЧИ ВАТАНИМ

– Ассалому алайкум, қалбимга яқин дўстларим! Сизларни кутлўғ байрам – Янги 2003 йил билан кутлайман. Сизларга оилавий бахт-саодат, тани соғлиқ, юрт тинчлигини тилайман.

Қадрдонларим! Сизлар ҳар бир хатингизда республика мустақиллиги туйғулари Ўзбекистонда юз бераётган буюк ўзгаришлар, халқ турмуши юксалиб, Ватаниннинг фаровонлашиб, гуллаб-яшнаб бораётгани, айниқса, маориф тизимидида юксалиш, миллий кадрлар тайёрлаш дастури асосида амалга ошириляётган ишлар, ёш авлод камолига кўрсатилаятган гамхўрликлар ҳақида тўлиб-тошиб, фахр билан ёзган сатрларингизни ўқиб, қувонаман. Дарҳақиқат, истиқлол ҳар бир ўзбекка, унинг хонадонига, республикангизда яшаётган турли миллат-элат халқларига бахту саодат, эрк ва ҳуқуқ берди. Мен бунини мустақиллик олдида Пайшанбада яша-

ганимда жуда-жуда орзу қилгандим. Бу бахт Сизга абадий бўлсин.

Мен учун Ўзбекистон иккинчи Ватан ҳисобланади. Кримда яшасам-да, қалбимнинг бир бўлаги Ўзбекистонда қолган. Мен ўзимни ўзбек фарзанди деб ҳисоблайман. Чунки оғир дамлрда сизлар хонадонингиздан, қалбингиздан жой бердингиз. Қанотингизга олиб, мусофирлигимни билдирмадингиз. Мен Ўзбекистонда меҳр топдим, бахтимни топдим, элга танилдим.

Менинг ёшлиқ йилларим ўтган Ўзбекистон диёрида демократик, адолатли, фуқаролик жамияти барпо этиляётганлигидан беҳад хурсандман. Негаки, Ўзбекистон менинг иккинчи Ватанимдир.

Содиқ ИСМОИЛОВ, Украина Республикаси, Крим вилояти, Киров шаҳарчаси.

Назм

КИПРИГҒИНА ДАРДИНИ ОЛАЙИН...

Қалбинг тоғдек юксак, дарёдир меҳринг, Сигдирган оламини, уммондор бағринг, Бир келган кетолмас, дилдортар сехринг, Кучоғингда яйрайин, эй, азиз Ватан!

Юртим, остонанга бош урди кўплар, Иссиқ жон, иссиқ тан меҳрингдан хўплар, Шумлар қадамидан гумбирлар тўплар, Элга қалқон, сенга шон бўлайин, Ватан!

Ноилж кетганлар ортга қайтолмас, Дил тўла армондор, очик айтолмас, Дардақи бўлибон тинглайин бир пас, Уммондек соғинчдан тўлайин, Ватан!

Очик кетмағайдир ҳеч кимнинг кўзи, Кўпни машҳур этди берган нон, тузи. Юртобимиз ягона, тан қодир ўзи, Мен сеннинг қурбонинг бўлайин, Ватан!

Қандай номард фарзанд, онадан тўққан, Овоз замондошин, кўксидан бўлган. Лекин давлат боши адолат тўққан Хўп денсанг, сен учун ўйлайин, Ватан!

Номардга ҳеч қачон бермайин тўзим, Кел азиз меҳмоним, мезбоним, кўзим, Олам шодликларин сочай хўп ўзим, Кипригинг гардини олайин, Ватан!

Майсара ХАЙДАРОВА.

Оғоҳлик – давр талаби

Бугунги кунда оғоҳлик, хушбўлиқ ҳақида жуда кўп гапирилиб келимоқда. Бу бежиз эмас, алоҳта, Кишилардаги лоқайдлик ва бефарқлик ёшлар ўртасидидаги «ёшлар аҳоли иллатларининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда».

Айнаи мана шу иллатлар турли хил жиноятларни келтириб чиқарди. Ҳар биримиз аввало, ўз фарзандимизнинг қорин-туриши, иш ва ўқиш жойидаги обрўини, кўп билан дўст эканлигидан боғабар бўлмоғимиз керак. Ўз фарзандини оқил ва маданиятли қилиб ўстира олган ота-она жамият оқилолигига ва унинг таракқийтига муносиб улўш қўшган шахс ҳисобланади.

Мен кўп йиллардан бунини Боевут туманида маҳалла оқилоли лозимлигида ишлаб келаялман. Маҳалламиздаги аҳолилик ва тотувлиқни таъминлашда биз асосан, кишлоқдаги обрўни кескандар, кўп фарзандли оила бошиқларига, оқил ўғил-қиз тарбиялаётган кишиларга таянаман. Уларнинг таърибаси, намунали ҳаётини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатаман. Мана шу аънава бунинг фаолиятимизда жуда яхши самара бераётти.

Оғоҳликнинг энг асосий таъини оқилолилик деб айтиш мумкин. Оғоҳликнинг маҳалла ҳисобланади. Бизнинг ҳудудда 1500 нафарга яқин киши истиқомат қиладди. Уларнинг ҳар бири ҳалол меҳнат орқасидан кўп кенчирса, демак, биз яхши фаолият юритаётган ҳисобланамиз.

К. УСМОНОВ.

• Юртимизнинг хавфсизлиги – сиёсатимизнинг бош йўналиши


• Кучли давлатдан – кучли жамият сари

• Мақсадимиз – эркин шахсни тарбиялаш

• Энг даҳшатлиси – фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги

«Хаж – 2003 йил»

МУКАДДАС ЗИЁРАТ



Истиқлол берган имкониятлар ҳақида сўз борар экан, албатта, диний эркинликни ифтихор билан эътироф этамиз. Шўровий жамият динларни, айниқса ислом динини поймол этгани сир эмас. Социализм жамиятининг гоёвий доҳийлари «динни афюн» деб атадилар. Динлар ҳам, диндорлар ҳам қувғин қилинди, таъйик остига олинди. Мустақиллик туғайли виждон эркинлиги имкониятлар эшиги очилди. Бу имкониятларни биргина мусулмончиликнинг асосий беш арконининг Ҳаж мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Истиқлолнинг уттан йиллари мобайнида 50000 дан ортиқ мўмин-мусулмонларимиз Ҳаж ибодатини адо этиб келиш бахтига муваффақ бўлдилар. Ҳар йили муборак Ҳаж зиёратини кўнгилдагидек ташкил этиш борасида олдиндан республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори чиқариладиган бўлди. Бу ҳолат янгича аёнанага айланб қолди. «Ҳаж – 2003» йилга бағишлаб 2002 йилнинг 7 ноябрида ҳукумат қарори эълон қилинган эди.

Бугунги «Ҳаж-2003 йилга» бағишланган суҳбатимиз иштирокчиси – Ўзбекистон Мусулмонлар идораси бошқаруви раисининг ўринбосари Абдуразоқ Юнусов бўладилар.

– Абдуразоқ ака, Ҳаж ибодати ва унинг амаллари нималардан иборат бўлади?

– Бисмиллоҳир раҳмон роҳийм! Ҳаж жони ва моли бир ибодатдир. Ҳар бир мусулмон банд ҳаёти давомида қодир бўлса, вояга етган ва соғлом, ақли расо бўлса, бир мартаба Ҳаж зиёратини адо этмоғи фарз дур. Ҳажга қарз олиб боришмайди. Фақат, ўз меҳнати ҳисобига топилган – ҳалол маблағ ҳисобига бу муқаддас ибодат адо этилади. Баъзи мусулмонларимиз қарз олишиб, баъзилари эса уйда ишлаб турган буюмларини, мол-ҳолини сотиб, оиласини ночор аҳволда қолдириб, бундай ибодатларга бормоқчи бўлаётганлар ҳақида ҳам бизларга хабар келиб тури-

ди. Биз дарҳол бундай ҳолатларнинг олдини олаёلمиз. Вилоятларимиздаги мутасадди кишиларимизга ҳам бундай ҳолатларнинг олдини олишни тайинлаб қўйганмиз.

– Муборак Ҳаж сафарига борувчиларни рўйхатдан ўтказиш ишлари қандай амалга оширилмоқда?

– Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, «Маънавият ва маърифат» кенгаши, «Маҳалла» хайрия ва «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ҳаж зиёратини ташкил этиш асосан Ўзбекистон мусулмонлар идораси зиммасига юклатилган. Бизга «Ҳаж-2003 йил» ибодати-

ни ҳар томонлама кўнгилдагидек ташкил этишда Республика Ички ишлар, Ташқи ишлар, соғлиқни сақлаш вазирликлари яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Айниқса, Саудия Арабистони элчихонасининг кўмаги ҳам сезиларли бўлмоқда.

– Аёлларимизга қандай имкониятлар берилмоқда?

– Жуда тўғри савол бердингиз. Шўро жамияти даврида Ўзбекистонда ҳар йили атиги иккитадан еттигача одам Ҳажга борган бўлса, улар орасида биронта ҳам аёл киши бўлмаган. Айни пайтда Ҳаж зиёратини адо этмоқчи бўлганларнинг 30 фоизи аёлларимиз ташкил этади.

– Мактабларда қандай қўлайликлар яратилган?

– Мамлакатимиздан муборак Ҳаж ибодатига борувчиларга қўлланадиган сифатида «Ҳаж» китоби ва ҳар бир зиёратчига атаб «Кўкрак нишони» тайёрланди. Бундан ташқари имкони борича барча қўлайликлар яратилди.

– Бу ҳақида аниқ ракам айтишдан йироқмиз. Бирок ҳозирги тахминларимизга қўра, уларнинг сони 4 минг киши атрофидадир. Зиёратга борувчилар шу ойнинг 22 январь куни йўлга чиқадилар.

– Биз уларга оқ йўл тилаб қоламиз.

Суҳбатдош
Абдуллаев
ХАБИБУЛЛАЕВ

Замондошимиз

«ОЛИМА» АЁЛЛАР САРДОРИ

Тўғрида, ўзингга ва ўзига нисбатан талабчан бўлмасдан кўзга кўринишинг, ном қозонишинг қийин. Ташаббускор ва ижодкор киши эса, жамоатчилик ўртасида тезда танилиб, ҳурмат-эътибор қозонади. Бу тоифа одамлар фидойи, самимий ва очикқўнғил бўлишади. Уз манфаатларини ҳеч қачон халқ манфаатидан устун қўймайдилар.



юшмасининг раиси, булар ҳали Талъат опа зиммасидаги жамоатчилик ишларининг ҳаммаси эмас.

1997 йил Республика «Олима» аёллар ассоциациясининг тавсиясига биноан Умумеропа ҳамжамиятининг «TASIS» дастурига кирган «Аёл ва демократия» лойиҳаси ишида қатнашди. Буюк Британия кироллигининг бир неча шаҳарларида бўриб, таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш умумий ишда ижобий самара беришини англаб, фикрларини англо-ақш билан ўртоқлашди. Пировадиди «Ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишда ахборот технологияларидан фойдаланиш» мавзусидаги (англо-ақш билан ҳамкорликда) лойиҳа тайёрланди ва у Умумеропа ҳамжамиятининг «TEMPOS» дастурига киритилди. Бу дастур мамлакатимиз учун нақадар аҳамиятли экани ҳақида Буюк Британияда ҳозир «Omnibus»-журналида профессор Назар Хакимов билан ҳаммуаллифликда «TEMPOS» дастури – Ўзбекистон олий ўқув юртилари учун Фарбга йўл очди» сарлавҳали мақола билан чиқиб қолди.

Т. Гафорова табиятан очикқўнғил ва самимий бўлгани учун шундай фазилатли кишилар билан тез тил топишади. Назар Хакимов, Малла Очиллов, Поён Равшанов, Абдурахим Эржаев сингари таълим-тарбия фидойилари, эл-юрт ардоғидаги олимлар билан суҳбатлашиб ўзига маънавий куч тўплайди. Устози – профессор Малла Очилловнинг қимматли маслаҳатлари ажал қилади.

Бир пайтлар шогирд бўлган Т. Гафорова бугунга келиб сукули устоз. Ўнлаб шогирдлари халқ ҳўжалигининг турли жаҳаларида самарали хизмат қилмоқда. Муборак Маҳкамова ҳамда Шаҳно Нуриллаева қаҳрамонимиз раҳбарлигида илмий иш қилиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган, айни пайтда у билан бир жамоада ишлаётган шогирдларидан. Ёш ўқитувчилардан Нигора Очиллова ҳамда Шўхрат Хамроев Т. Гафорова раҳбарлигида қилаётган илмий ишларини ниҳоятда етказишмоқда. Демак бугунги шогирдлар эртаги домларидек катта яратувчилик ишлари қилишади...

Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ,
журналист,
Хазратилло РЎЗИЕВ,
«Адолат» муҳбири.

